





## Ислом Нури

### **Шарҳ:**

Зул-ҳижжанинг аввалги ўн кунни Аллоҳ таоло наздида кунлар ичида энг афзали, унда қилинган амаллар Аллоҳга энг суюмли амаллар саналади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонлик қилиш нияти бўлган кишилар ушбу кунлар мобайнида то қурбонлигини сўйиб бўлмагунича соч ва тирноқ каби бадандан ўсиб чиқадиган нарсаларни олмаслиги кераклигига йўллаганлар.

### **Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Ушбу ўн куннинг фазли;
2. Унда солиҳ амалларни кўпайтиришнинг яхшилиги;
3. Қурбонлик қилмоқчи бўлган киши ушбу кунларда соч ва тирноқларини олмаслиги мустаҳаб экани.